# ПОЛИЭТИЛЕН

## бир вақтлар четдан келтирилаётган бу маҳсулотни энди ўзимиз экспорт қиляпмиз

***Қашқадарё ўзининг табиий қазилма бойликлари, нефт-газ заҳиралари, ер ва сув ресурслари билан мамлакатда етакчи ўринни эгаллайди. Республикада қазиб олинаётган нефтнинг 95,4, газнинг 97,3 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келаяпти.***

Шўртан кенгликлари... Қаърига қимматли табиий бойликларни жойлаган муқаддас замин ўз бағрини очди. Ватанимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, хорижий сармоялар самарадорлигини оширишга Марказий Осиё минтақасида энг йирик газ-кимё мажмуаси муносиб улуш қўшиб келмоқда. 2001 йилда фойдаланишга топширилган корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар, айниқса, саноат учун бебаҳо хомашё ҳисобланган полиэтилен ўзининг сифатлилиги билан хорижда ҳам харидорларини топди.

Йил ўтгани сайин ишлаб чиқариш ва экспорт имконияти кенгайиб бормоқда. Бу ерда хомашёдан полиэтилен ажратиб олиш имконияти бор. Ундан бир неча хил маҳсулот тайёрлаш мумкин. Оддий сут қадоқлаш идишларидан тортиб уй-рўзғор буюмларигача, машинасозлик, енгил саноат ва бошқа соҳаларда полимер ва пластмассадан кенг фойдаланилади.

Мажмуанинг маркетинг бўлими маълумотига кўра, ҳозир 9 хил русумдаги полиэтилен ишлаб чиқарилаяпти. Келгусида уларнинг тури 20 тага етказилади.

Бундан ташқари, хомашёдан халқ хўжалигида фойдаланиладиган турли ҳажмдаги плёнкалар ҳам тайёрланмоқда.

Жаҳон бозорида полиэтиленга талаб катта. Шу пайтгача ҳар тоннаси 1000 доллар атрофида ушбу хомашё хориждан харид қилинар эди. Эндиликда ана шу қимматбаҳо маҳсулот Қашқадарёда ишлаб чиқарилмоқда ва четга сотилаяпти.

Биринчи навбатда ички бозорни маҳсулот билан тўлдириш лозим. Шу боис айни кунларда хомашё «Андижонполиэтилени», «Бешариқплёнка», «Тошкентполимер», «Қаршитермопласт» корхоналари ва пойтахтдаги кабел заводларига жўнатилаяпти.

Хорижий ҳамкорлар сони ўсиб бораяпти. Жумладан, Хитой, Россия, Покистон, Туркия, Қозоғистон давлатларига кўплаб миқдорда маҳсулот экспорт қилинаяпти. Польша, Славакия, Исроил, Австрия, Венгрия, Латвия мамлакатлари ҳам мижозлар қаторидан ўрин олди.

Экспорт ҳажми 2003 йилда 59 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2004 йилнинг ўтган даврида 60 минг тоннадан ошиб кетди. Аниқроқ қилиб айтганда, ишлаб чиқарилаётган полиэтилен хомашёсининг 75 фоизи хорижий ҳамкорларга сотилмоқда.

Мажмуа Германия, Япония, Канада, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатлардан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланганлиги туфайли тайёрланган маҳсулот халқаро сифат стандартларига тўлиқ мос келмоқда.

Мамлакатимиз нефт-газ саноати корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари учун «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси Нью-Йорк шаҳридаги Business Initiative Directions компанияси таъсис этган олтин совринга сазовор бўлди. Бунда Шўртан газкимё мажмуида ишлаб чиқарилаётган полэтилен асосий аҳамият касб этди.

Корхонада экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун сифат тизимининг жаҳонда тан олинган «ИСО-9000:2000» стандарти талаби асосида ишлашга ўтиш лозим. Мажмуа маҳсулотлари ана шу халқаро сифат тизими талабларига мос келади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилаётган суюлтирилган ва табиий газ, газ конденсати, олтингугурт ва полиэтилендан тайёрланган плёнкалар харидоргир бўлмоқда.

Мажмуада жорий йилинг олти ойида 1520 миллион кубометр газ қайта ишланди. 1283 миллион кубометр товар, 42,7 минг тонна суюлтирилган газ, 42,2 минг тонна конденсат, 50,3 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарилди. Қувончлиси шундаки, мураккаб жараёнларни шу заминда вояга етган иқтидорли ёшлар бошқаришаяпти. Улар Канада, Таиланд, Жанубий Корея, Россия, Саудия Арабистони, Германия каби мамлакатларда малакаларини оширдилар.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Қашқадарё замини ҳали тўла очилмаган хазина. Бу хазинанинг калити унинг ҳақиқий эгаси бўлмиш мана шу халқнинг қўлида. Дарҳақиқат, мажмуа тўла қувват билан фаолият кўрсатса, йилига 125 минг тонна полиэтилен, 140 минг тонна суюлтирилган газ, 108 минг тонна конденсат, 4 минг тонна олтингугурт, 4,5 миллиард кубометр тозаланган газ ишлаб чиқарилади.

**Т.ЖЎРАЕВ,**
**корхона бош муҳандиси**

*Истиқлол берган имкон*




***Каттақўрғонлик Баҳриддин Қобилов беш йил аввал тадбиркорлик фаолиятига қўл урди. Бунда унга кўп йиллар ишлаган, тажриба орттирган мутахассислиги наф берди. Дастлаб якка ҳолда ҳасип-колбаса ишлаб чиқара бошлади. Қисқа вақтда маҳсулот харидоргирлиги билан довруғ қозонди. «Ташаббус» кўрик-танловида қатнашиш тадбиркорнинг фаолиятида туб бурилиш ясади.***

# ТАШАББУС ҚАНОТИДА

Аслида Б.Қобилов хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш баробарида 1999 йилда Каттақўрғон ғишт заводининг бўш ётган биносини сотиб олиб, таъмирлашга киришганди. «Ташаббус» танловида эришилган муваффақият унинг мазкур бинода янги корхона ташкил этиш ниятини мустаҳкамлади ва ҳаракатларини тезлаштирди. Ниҳоят ўтган йили корхона ишга тушди.

«Шамсиддин» хусусий корхонаси фаолияти ҳозир муайян изга тушган. Бу ерда колбаса, сордилка, сосиска каби 70 га яқин маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Ҳар куни бу ерда 200 минг сўмликка яқин маҳсулот мижозларга жўнатилмоқда.

– Бизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нисбатан қиммат. Лекин сифати кафолатланган, – дейди корхона раҳбари Б.Қобилов. – Яқинда маҳсулот сифатини назорат қиладиган ўз лабораториямизни ишга туширамиз. Чунки маҳсулот сифати юқори ва кафолатланган бўлса, бозордаги рақобатбардошлик даражаси ортади. Бу эса келгусидаги муваффақиятларни таъминлайди. Яқин вақтларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятимиз бор. Сутни қайта ишлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчимиз.

Республика «Ташаббус» кўрик-танловида қатнашиш каттақўрғонлик тадбиркорга ўз фаолиятини таҳлил қилиш, мутахассис ва харидорлар фикри асосида ўз ишига баҳо бериш имкониятини яратди. Шунингдек, бу тадбир ўзига хос тақдимот ва реклама бўлди. Шу жараённинг ўзидаёқ доимий ва йирик харидорлар билан шартнома тузилди. Пойтахтлик харидорлар эса энг яхши маҳсулотга талабгор бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, Тошкент шаҳридаги «Geomax» корхонаси «Шамсиддин» хусусий корхонаси билан ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Навоий шаҳрида «Навоий FSK» масъулияти чекланган жамият асосан мебел ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда тайёрланаётган 84 турдаги мебел жиҳозлари истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Бундан ташқари, жамиятда ошхона гарнитури, турли ром ҳамда эшиклар тайёрланмоқда. Бу ерда ўрнатилган Туркия ва Германия давлатларидан келтирилган дастгоҳлар ишлаб чиқаришда яхши самара бермоқда.

Корхона маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари Халқ таълими вазирлиги, вилоят корхоналари ҳамда аҳолиси ҳисобланади.

Айни пайтда маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида жамиятда 40 та иш ўринлари барпо этилди.

**Суратларда: ёш дурадгор Санжар Изомов; корхонада иш қизғин.**

**С.ЗУФАРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**






*Бор бўл, оқибат!*

# ШИРИН СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

Оққўрғон шаҳрида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони Йўлдош ота хонадонига кириб борганимизда, у киши ҳовлида дам олиб ўтирган эканлар. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг ўтирмоққа таклиф қила туриб, шундай дедилар:

– Биринчи августдан ойлик, пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш ҳақидаги Президент Фармони чиққанини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Рўзғорга ҳарна ёрдам-да! Нафсиламбирини айтганда, эндигина мустақилликнинг 13 йиллигини нишонлаётган Ватанимиз ёш боладай гап. Шунинг учун ҳам қийинчиликлар бўлиши тайин. Шукр, аста-секин бундай қийинчиликлар ортда қоляпти. Муҳими, ўртамизда меҳр-оқибат мустаҳкам экан, ҳар бир киши ўз вазифасини виждонан адо этар экан, Ўзбекистонимиз ривож топаверади.

Отахоннинг сўзларини эшитиб кўнглимиз кўтарилди. Шундай нуронийларимиз бор экан, юртимиздан ҳеч қачон файз, барака аримайди. Туманимизда ҳозир тўқсон уч нафар Йўлдош ота сингари уруш қатнашчиси ва ногиронлари истиқомат қилади. Қарилик пенсиясини олувчилар эса 6819 нафарни ташкил этади. Биринчи навбатда мунтазам равишда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, керакли ёрдам кўрсатяпмиз.

Ҳаётда инсон учун энг кераги саломатлик. Шу йилнинг ўтган олти ойида ўн минг нафарга яқин пенсионер ва ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилди. Улардан ҳозиргача 2739 нафари даволанди. 53 нафари эса сиҳатгоҳ ва профилакторийларга юборилди.

Яна шуни таъкидлаш жоиз: туманимиздаги уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган кишилар барча имтиёзлардан тўла фойдаланаётир. 2004 йилнинг олти ойида юз нафар пенсионерга автоулов ёнилғиси учун 611 минг 200 сўм тўланди. 1863 нафар пенсионер ва ногиронларга 1 миллион 877 минг сўмлик дори-дармон бепул берилди. Туман ижтимоий таъминот бўлимида ҳаракат воситалари, протез-ортопедия мосламалари, эшитиш аппаратлари, қўлтиқтаёқ ва бошқа нарсалар олишга рўйхатда турганлар талаби навбат билан қондирилмоқда.

Масалан, шу кунгача беш киши протез-ортопедия мосламалари, икки киши ногиронлар аравачаси, бир киши эшитиш аппарати ва уч киши ҳасса билан таъминланди. 443 нафар пенсионер ва ногирон транспортлардан имтиёзли фойдаланди. 604 нафар кишига 8 миллион 434 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларнинг 15 нафар фарзанди туман халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан оромгоҳларга юборилди. Шунингдек, 64 нафар нуроний юртимизнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиб қайтишди.

Инсон борки, меҳрга, ширин сўзга ташна. Айниқса, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қарияларга бундай мурувватни аямаслигимиз керак. Ёши улуғлар одамдан фақат яхшилик қолади, деб бежиз айтишмайди. Туманимизда яшовчи ёлғиз қария ва ногиронлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар ҳолидан тез-тез хабар олиб турамиз. Шу йилнинг ўтган олти ойида уларга 3 миллион 388 минг сўмлик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Ҳар бир инсон пири бадавлат бўлиб кексайишни, пенсия ёшига етиб меҳнати роҳатини кўришни орзу қилади. Йилнинг ўтган даврида пенсия тайинланишини сўраб 311 киши мурожаат этди. Аризалар вақтида кўриб чиқилиб, белгиланган тартибда пенсия тайинланди. Яна 64 та ижтимоий нафақа, 160 та суюнчи пули тўлашга доир ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилди. Бир сўз билан айтганда, бўлимимиз ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишга интилмоқдалар.

**Баҳодир ИСРОИЛОВ,**
**Оққўрғон туман ижтимоий таъминот бўлими мудири**

# "МАҲАЛЛА ЗИЁСИ" ИШ БОШЛАДИ

***Қашқадарё вилояти "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимида кейинги йилларда талай амалий ишлар қилинмоқда. Шулардан бири "Маҳалла зиёси" вилоят ўқув-услубий маркази ўз ишини бошлаганидир.***

Маълумки, ҳеч бир соҳада яхши кадрлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ходимларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш туфайлигина бунга эришилади. Ҳозир маҳалла оқсоқоли билимли, зукко бўлиши билан биргаликда эл орасида ўзига хос ўрни бўлиши лозим. Оқсоқол тадбиркор ва ишбилармон бўлишини ҳам замон талаб қилмоқда, у ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ҳам зарур. Бунга эса фақат уларнинг билимларини мустаҳкамлаш, билан эришилади. Шуни назарга тутган "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази шу мақсадда ташкил этилди.

# МУРУВВАТ ЁРДАМИ

***Республика Шошилинч тиббий ёрдами марказининг Бухоро филиалига Германиядан 31,7 минг евро миқдоридаги мурувват ёрдами келтирилди. Булар турли дори-дармонлар, боғловчи материаллар, каравотлар, ногиронлик аравачалари ва ускуналардан иборат.***

Юклар Германия Қизил хоч жамияти ва Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ўртасида тузилган шартномага мувофиқ олиб келинди. Ёрдамнинг 16,7 минг евро миқдоридаги улуши "Бухоротекс" қошидаги профилакторий ва тиббий қисмга топширилди.

**"Туркистон-пресс"**

*Ислоҳот инсон учун*

***Шинам ва баҳаво дала шийпони. Зилол сувли катта ҳовузда балиқлар сузиб юрибди. Салқин шамол эсиб, кўнгилга ором бағишлайди. Кун бўйи тер тўкиб меҳнат қилган деҳқонлар шу ерда овқатланиб, ҳордиқ чиқарадилар. Ҳа, туманимизда фаолият кўрсатаётган деҳқон-фермер хўжаликларида ишчилар тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилган.***

# ОЙЛИК МАОШ 45 МИНГ СЎМ

Менга отамдан деҳқончиликка меҳр ўтган. Тендер танловларида ғолиб чиқиб, 40 гектарлик майдонни қўлга киритиб, падари бузрукворим насиҳатларига амал қилиб, ишни экин майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан бошладим. Ернинг заҳини қочириб, маҳаллий ўғитга тўйдирдим.

Сунг хўжалигимиз моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Иккита ҳайдов ва чопиқ трактори, ер текислаш механизми, чигит экиш сеялкаси, культиватор сотиб олинди. Фан ютуқлари ва агротехник тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб борилганлиги туфайли, режалар ортиғи билан бажарилди. Деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, рўзғорига барака кирди.

Бултур 25 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта хирмони кўтардик. Ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 50, шоли 60 центнерга етказилди. Сарҳисоб якунида 18 миллион сўм соф фойда олинганлиги маълум бўлди.

Яқинда бу йилги ғалла саранжомланиб, шартнома режаси уддаланди. Пайкаллардаги ғўзанинг ҳам ривожи ёмон эмас, ҳосил нишоналари — бўлиқ кўсаклар кўпаймоқда. Ўз касбининг устаси, фидойи механизатор Ҳамза Солоев, илғор ишчилар Улуғбек ва Ойбек Болтаевлар, К.Машарипов, О.Абдуллаевлар меҳнати билан мўл ҳосилга пухта замин яратилаяпти.

Ҳар бир ишчининг ойлик маоши 40-45 минг сўмдан тушаётгани, бунга қўшимча оилаларга 500-600 килограммдан буғдой ва шоли берилганлигини ютуқлар калити, деб аташ мумкин.

Фермернинг билим доираси кенг, тажрибаси етарли бўлиши керак. Шунинг учун ҳам деҳқончилик сирларини пухта ўрганиш билан иқтисодий илмларни эгаллашга ҳаракат қилаяпман.

Жамоа аъзоларимиз яна бир хайрли ишга қўл уришди. 3,5 гектарли майдонда мевали дарахт кўчатлари экиб, боғ яратдилар.

Яқин келажакда топган фойда ҳисобидан хўжалигимиз ҳудудида қишлоқ врачлик пункти, умумтаълим мактаби ва болалар боғчаси қуриш ниятидамиз.

**Бахтиёр МАШАРИПОВ,**
**Хива туманидаги «Бекжон-Уста» фермер хўжалиги раҳбари**

# «СПЕКТР» ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИДА

Шу ойдан бошлаб Тошкент кўчаларида Екатеринбургдаги "Уралтрансмаш" корхонасида ишлаб чиқарилган "Спектр" русумли учта трамвай юра бошлайди.

"Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмасидан маълум қилишларича, "Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ибодуллаев ва "Уралтрансмаш" бош директори Юрий Комратов ўртасида бу борада шартнома имзоланди.

Ш.Ибодуллаевнинг таъкидлашича, мазкур трамвайларнинг юксак сифати, замонавий кўриниши ва қулай нархлари ўзбек транспортчилари диққатини тортди. Мамлакатимиздаги электр транспорти корхоналарининг мутасаддилари трамвайнинг ички ва ташқи безатилишида миллий ранглар устуворлигига эътибор қаратишди.

"Уралтрансмаш" трамвайлари шу йилнинг август-сентябр ойларида пойтахт кўчаларида синовдан ўтказилади. Кузда эса ҳамкорлар шартнома миқёси, автотранспортни етказиб келиш муддатларини келишиб оладилар.

**"Туркистон-пресс"**



«Хивагаз» филиалида аҳоли хонадонларини табиий газ билан таъминлашда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир бу ерда ҳар бир хонадонга «зангори олов» кириб борган бўлиб, беминнат ёқилғининг қишин-ёзин етказиб беришни янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда корхона, ташкилотлар, хонадонларга жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 20 минг дона газ ўлчагичлар ўрнатилди. Маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб борилиши газ тўловларининг яхшиланишига олиб келмоқда.

**И.ҲАСАНОВ олган сурат**

# ҚУРУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Пешкулик тадбиркор Қобил Холиқов раҳбарлигидаги "Қурувчи" хусусий фирмаси тумандаги 10-ўрта мактаб спорт ҳамда мажлислар залларининг капитал таъмирини ниҳоясига етказди. Фирма бу ерда 2,4 миллион сўмлик иш бажарди.

Таъкидлаш керакки, "Қурувчи" жамоаси 10-мактаб таъмири билан бир вақтнинг ўзида 15-ўрта мактабда ҳам капитал таъмирни бошлаб юборганди. Мактаб қурилиши учун 42 миллион сўм ажратилган, айни пайтда қурувчилар маблағнинг тўқсон фоизини ўзлаштиришди. Лойиҳа Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилмоқда.

— Қурувчиларга ҳеч бир эътирозимиз йўқ, — деди 15-ўрта мактаб директори Худоёр Орипов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Барча ишлар аъло даражада бажарилмоқда. Янги ўқув йили арафасида таъмирлаш ишлари тўлиқ тугалланади.

"Қурувчи" хусусий фирмаси бундан уч йил аввал ташкил этилган. Фирмада дастлаб ўн бир киши ишлаган бўлса, ҳозирда уларнинг сони ўттиз нафардан ошди.

Пешкулик қурувчилар мурувватни ҳам эсдан чиқаришмайди. Жорий йилда улар турли хайрия ёрдамлари учун 800 минг сўмдан зиёд маблағ ажратишди. Кўпроқ мактаблар ва болалар боғчаларига кўмак берилди.

*«Ишонч» фош этади*

***Жиззах санъат коллежи жамоаси ўтган йилнинг кузида реконструкция қилинган бинога кўчиб ўтди. Шаҳарнинг қоқ марказида, ҳовлисида фаввора, унинг ёнида амфитеатр жойлашган. Лекин ташқи кўриниши киши ҳавасини келтирадиган бу бино «ичи қалтироқ» эканлиги тезда аён бўлиб қолди.***

# КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

## Жиззах санъат коллежи биноси «бунёдкорлари» фаолиятида яққол кўриниб қолди

Чунки «Камол-А» хусусий фирмаси томонидан реконструкция қилинган бино қурилишида ўнлаб камчилик ва нуқсонлар мавжуд эди. Буни қарангки, унинг иситиш қувурларида тўпланиб қолган ҳавони чиқарувчи 25 дона мурват қўйилмасдан қолган. Ўқув хоналаридаги доска устида ёритувчи мосламалар йўқ, химия-биология кабинетининг пастки қисми ҳамда янги бинонинг эски бинога уланган жойи ёрилиб чўка бошлаган. 23-24-хоналарда иситиш тармоғи умуман ишламайди. Баъзи ерларга ҳаво алмашадиган туйнук қўйилмаган. Деворларининг пастки қисми шўрланиб, бўёқлари кўчиб тушмоқда. Дераза токчаларига тунука қоплама қилинмагани туфайли деворлар сифатини йўқотяпти. Бино томига чиқиб-тушиш учун махсус нарвон қўйилмаган. Ўқув хоналарида 5 та доска етишмайди. Айниқса, рақс залида иситиш тармоғининг ишламаслиги, машғулот анжомлари қўйилмаганлиги жиддий қийинчилик туғдирмоқда. Ана шулар ҳақида коллеж раҳбарияти вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси мутасаддиларига маълум қилса-да, улар ҳанузгача бирор-бир чора-тадбир кўришга шошилишмаяпти.

Безакчи-рассомлар бўлими бошлиғи Давронбек Алибековнинг айтишича, 55 нафар тингловчи таҳсил оладиган бу бўлимга 7 та хона зарур. Ҳозир 4 та хона етишмаяпти. Ўқув устахонаси, назарий машғулот, услуб ва ўқитувчилар хонаси етишмаслиги дарс самарадорлигига салбий таъсир этмай қолмади.

– Чизма хонасида махсус чироқлар йўқ, – дейди Д.Алибеков. Шу боис қўлбола мослама қилиб олганмиз. Бу техника хавфсизлиги қоидаларига зид, албатта. Бундан ташқари, зарур ўқув жиҳозлари етишмайди. Жой етишмаслиги туфайли ўқувчилар 2 сменада ўқишга мажбур.

Махсус рақс хонасида машғулот станоги йўқ, душхона ишламайди. Зарур мусиқа асбоблари – роял, фортепьяно етишмайди. Борлари ҳам алмисоқдан қолган. Саҳна шу қадар тор қилиб қурилганки, унга оркестрнинг 40 нафар қатнашчиси зўрға сиғади. Дирижёрга жой етишмаслигидан у солистлар орасида туриб ишлашга мажбур. Хоналарга овоз ютгич мосламалар ўрнатилмагани, оддий ойнаванд эшиклар қўйилганлиги туфайли машғулотлар ўтишда ноқулайликлар туғилмоқда.

Хуллас, Жиззах санъат коллежида 300 нафардан ортиқ талаба ҳамда 62 нафар ўқитувчи ана шундай ноқулай шароитда машғулот ўтказишга мажбур бўлмоқда. Ҳозир таътилдан фойдаланиб бирон-бир саъй-ҳаракат қилинмаётганлиги ҳам барчани ажаблантирмоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Илҳом

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

*Жаҳон ичра жаҳон Ўзбекистоним,*
*Даври тенгсиз даврон Ўзбекистоним.*

*Тарих саҳифаси бир-бир очилса,*
*Достон ичра достон Ўзбекистоним.*

*Қўним топмиш бунда қанча донишлар,*
*Даҳоларга макон Ўзбекистоним.*

*Илму маърифатни дунёга ёйган*
*Юлдуз тўла осмон Ўзбекистоним.*

*Қанча-қанча жангу-жадал кўрса ҳам*
*Қадди расо полвон Ўзбекистоним.*

*Бурни қонамасин ҳеч кимнинг деган*
*Шиор олий фармон Ўзбекистоним.*

*Жаннатмакон юртнинг ҳар куни қутлуғ,*
*Жон бахш этар ҳар он Ўзбекистоним.*

*Тараққиёт сари тушган ҳар қадам*
*Истиқболга томон Ўзбекистоним.*

*Ҳеч кимдан кам эмас, кам ҳам бўлмаймиз,*
*Омон бўлсин, омон, Ўзбекистоним.*

**Ҳошимбек НИЁЗОВ,**
**Жомбой тумани**
**Сухман қишлоғи,**
**I гуруҳ ногирони**




## МУЗЕЙ - 45 ЁШДА

***Чирчиқ республикамиздаги йирик саноат шаҳарларидан бири ҳисобланади. Унинг ўзига хос тарихи бор. У ҳақда ҳикоя қилувчи экспонатлар эса шаҳар ўлкашунослик музейида намойиш қилинмоқда. Ана шу музей иш бошлаганига 45 йил бўлди. У Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган соҳавий музейлардан тўнғичидир. Бу орада унинг экспоцизияси кўплаб экспонатлар билан бойиди.***

Бу ерда ўлканинг ўтмиш тарихига оид материалларга кенг ўрин берилган. Уларни тўплашда шаҳар мактабларининг ёш ўлкашунослари ҳам фаоллик кўрсатдилар.

Музей яқинда ўзининг планетариясига эга бўлди. Ўзига хос мўъжаз обсерватория ҳисобланган бу ерда қуёш тизимига кирувчи сайёраларни кузатиш мумкин. Шунингдек, жасур фазогирлар ҳаёти ва фаолиятига доир кўргазмалар ҳам очилди.



## БАХШИ ВА ХОНАНДАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган бахши-жировлар ва ёш эстрада хонандалари кўрик-танловининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.

Бахшилар беллашувида қораўзаклик Ширин Ўтегенова биринчи ўринни эгаллади. Эстрада йўналишида тахиатошлик Ҳурлимон Тилеумуратова ҳамда мўйноқлик Жанил Елмуратова ғолиб бўлди.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

# МЕНИ ТУШУНИНГ, ОДАМЛАР...

### «ШЕРИГИМНИ ТАШЛАБ КЕТМАЙИН...»

– Синглим, бу ёққа қаранг.

Салтанат бозорча ёнидаги кўчадан уйига бурилаётиб, нотаниш овоз келган томонга аланглади. Сал нарироқда кекса аёл уни ёнига имлади.

– Сизни йўлдан қолдирганимга ҳайрон бўлаяпсиза? Ҳалиги... Шеригимнинг бир банка қаймоғи қолганди, шуни олинг, жон болам. Сиз айтган нархга беради, майлими?

Салтанат бу «илтифот»дан ажабланиб сўради:

– Қани шеригингиз?

Кекса аёл баланд товушда «Ҳой Хосиятхон, қаердасиз?» деб чақирди, сўнг секингина «Ҳозир келади, бирпас кутинг» деди. Салтанат уйига шошиб тургани учунми, негадир асабийлашди.

– Холажон, мен қаймоқ олмоқчи эмасдим. Борай. Бирор харидор топилиб қолар.

– Йўқ, йўқ. Ундай қилманг, кун кеч бўлиб қолди. Яна эшикма-эшик бош суқиб юрадими у? Ўзи яқинда... бошига иш тушган. Уч ой аввал отаси, сўнг онасидан жудо бўлди бояқиш. Эри ҳам яримжон. Ташвиши кўпайиб, аҳволи ёмонлашди. Қўшни эмасманми, ичим ачишди. «Мен кунига сут сотаман, шаҳарга тушганимда бирга юринг, сал чалғийсиз» дедим. Маҳалладаги уйлардан қаймоқ йиғиб сумкасини тўлдириб бердим, иккимиз мана икки ҳафтадирки биргаликда шу ерларга қатнаймиз. Ҳарна беш-ўн сўм, оиласига мадад. Мен эрталаб сутни бирпасда сотиб бўламан, у қаймоқларини кўтариб ҳали у ҳовлига, ҳали бу ҳовлига кираверади. Гоҳида бирга юриб савдосини тезлатаман, чарчаб қолсам шу ерда кутиб ўтираман. Уни ташлаб кетолмайман. Ахир одам бир-бирига керак. Айниқса, шунақа оғир пайтда...

Шу пайт ёшгина жувон шоша-пиша етиб келди. Қўлидаги банкада қаймоқ. Салтанат тезда сумкасини кавлаб пул чиқарди. Икки аёл унга «раҳмат» айтганча автобус бекати томон кетишди. Салтанат ғалати кайфиятда қараб тураркан, беихтиёр кекса онахоннинг ҳозиргина айтган гапларини эслади. «Одамлар бирбирини оғир пайтларда ташлаб кетмасликлари керак!».

### АГАР ЛОҚАЙД БЎЛМАСАК...

Улар иккиси ҳам ишга шошаётганди.

– Шаҳноз, куйлагимни дазмоллаб юбор, – деди эри.

Тошойна ёнида пардоз қилаётган аёл «ҳозир» дедию бироқ келавермади. Бу эрга оғир ботди. Овозини бир парда баланд кўтарди:

– Бўлақол, тезроқ! Кечикяпман!

Аёл шарт ўрнидан туриб келди-да, эрининг қўлидан куйлакни юлқаб олди. Эркакнинг жаҳли чиқди, дарров ичкарига кириб, бошқа куйлагини кийиб чиқди. Сўнг нонушта ҳам қилмасдан ишга жўнади.

Бор гап шу. Мана уч ҳафта ўтди ҳамки, ҳалигача гаплашишмайди. Ижара эгаси – Фазилат ая бунга ҳайрон. «Тавба, бу нимаси? Ахир, уч кундан ортиқ аразлашмоқ гуноҳ. Койийдиган ота-оналар узоқда... Кел, ўшалар қилмаган ишни мен бажарай!» Шу куни Собиржонни ишга кузатган бўлиб кўчагача ортидан эргашиб чиқди.

– Айланай болам, келиним бояқиш қанча кундан бери сиздан узр сўрай деб тараддудланади.

– Ростданми?

– Ҳа, сиз қовоғингизни очмагандан кейин чўчияпти-да!

Сўнгра ая Шаҳнозахоннинг ёнига кирди:

– Қизим, куёвим бечора «Қандай қилиб узр сўрасам экан?» деб менга маслаҳат солди.

– Йўғ-е?!

– Ҳа, сиз бугун битта ош дамланг. Эрингизни очиқ чеҳра билан кутиб олинг, хўпми?

Кечқурун Собиржон бир сумка мева-чева кўтариб дарвозадан кирганида Шаҳноза супада ошга шакароб тайёрлаётганди. У ўрнидан даст туриб эрининг пешвозига юрди.

Уй ичидан бу ҳолатни кузатиб турган Фазилат ая «хайрият» деб пичирлади.

### СИЗНИ АЯГИМ КЕЛАДИ

Ҳовлидаги стол устига қўйилган телефон бир неча маротаба жиринглади. Ошхонада чучвара тугаётган Соҳиба қўлини сочиққа артди-да бориб гўшакни кўтарди.

– Нодира опам ишга кетганлар. Кимсиз? Келсалар нима деб қўяй?

– Мен укалариман. Кеча ойимнинг қон босими кўтарилиб кетди. Шуни хабар қилай девдим.

– Яхши. Айтаман. Тўхтанг, касалхона манзилини ёзиб олай.

Соҳиба гўшакни қўйгач ўйланиб қолди. Нодирахон унинг катта овсини. Фирмада ҳисобчи. Ўтган йили ўғилчаси касалликдан нобуд бўлганидан бери юраги хаста. Яқинда йигирма кунча дори-дармон қилиб уйда ётди. Икки кун бўлди ишга чиққанига. Энди эса бу хабар... «Агар онаси қаттиқ оғриб қолганини эшитса, яна юраги безовта қилиб олган муолажалари бекор бўлади-ку. Нима қилсам экан-а?» дея ўйлади Соҳиба. Сўнг бир қарорга келгандек тезгина ишга уннади. Тугилган чучвараларнинг озроғини сувда пиширди, сирли идишга солди. Совиб қолмасин деб дастурхонга ўради. Кейин касалхонага отланди.

– Дўхтирлар дарров укол қилишди, тез-тез аҳволимдан хабар олиб туришибди, анча тузукман, – деди Ҳусния ая. Сўнгра қизини сўради.

– Нодира опам ишдан кечроқ келаман, деб айтувдилар. Сиз ҳақда у кишига айтмадик. Тағин юраклари безовта қилади деб чўчидик.

Ҳусния аянинг меҳри товланди. Кўзларига ёш қалқиб, қўлларини дуога очди. «Илоё кам бўлманг» деб пичирлади.

Соҳиба касалхонадан чиқаркан, ўзини қушдек енгил сезди.

### ДЎСТ БЎЛИБ, ЁНИДА ТУРИНГ

Маҳалладаги эркаклар даврасида суҳбат тобора қизир, ҳаммаси яна ўша воқеани сўзлашарди.

– Қаранг, шундоқ одам маст ҳолда йўлакда думалаб ётса-я?!

– Ўтган куниям шундай бўлувди. Икки ўғли қўлтиғидан кўтариб уйга аранг олиб киришди.

– Зиёли бўла туриб бошқаларга ўрнак кўрсатгани ми бу?!

Мактабда ўқитувчилик қиладиган Козимжон бу гап-сўзларга чидолмай ўрнидан туриб кетди.

– Мени кечиринглару, юрагимдагини ҳозир айтмасам бўлмайди,– деди у қизишиб. – Биласизлар, Риҳситилла аканинг қўшнисиман. Аҳволи менга маълум. Йил бу одамнинг хонадони учун оғир келди. Нораста ўғли мактабда йиқилиб тушиб тўшакка михланиб қолди. Аёли хаста эди, оламдан ўтди. Электрдан ўт чиқиб, уйининг бир қисми ёнди. Барисига чидаб юрувди... Яқинда идорада иши орқасига кетди. Шунисига тоқат қилолмади. Ўшандан бери ичади. Айтинг, қай биримиз у кишига тасалли бердик?! «Бу ташвишлар ўтиб кетар, ўзингизни қўлга олинг!» деган гапни ҳеч биримиз айтдикми? Дўст бўлиб ёнида турганимизда ҳозиргидек аҳволга тушмасмиди... Биз бўлсак бу ерда ўтириб, йиқилганни суяш ўрнига унинг ғийбатини қилиб...

Муаллим ортиқ гапирмади. Ўрнидан туриб даврани тарк этди. Ўтирганлар жимиб қолишди. Ҳар бири ўзича хаёлга чўмганди. Очиғи, Козимжоннинг гаплари худди нишонга теккан ўқдек барчани бирдай ҳушёр торттирганди.

... Меҳр аслида қаердан бошланади? Инсонларнинг юрагидан эмасми? Ҳаёт доимо қувончли кунлардангина иборат эмас. Ғам-ташвишлар баъзан одамларни бир-бирига яқинлаштиради, меҳрли юракларни бир-бирига боғлайди.

Умримиз давомида бирбировимизга керак эканлигимизни, бир-биримиздан меҳр қарздор эканимизни янада теранроқ тушуна бошлаймиз.

Меҳр-мурувват, оқибат бизга сув ва ҳаводек зарур...

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

### «БОБУРНОМА»НИНГ СИНОНИМИК ЛУҒАТИ

Мумтоз шоир Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари бўйича қатор йирик илмий изланишлар олиб борилган. Мемуар асар бўйича тузилган луғат адабиётлари эса яна бир янги нашр ҳисобига ортди. «Бобурнома»да қўлланилган синонимлар луғат»и деб номланган мазкур тадқиқот ушбу асарнинг синонимик хусусиятларини таҳлил қилиш имконини берди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти чоп этган мазкур луғатда «Бобурнома»даги араб, форс, ўзбекча маънодош сўзлардан 350 га яқини изоҳланди. Бу эса «Бобурнома»нинг адабиётшунослик ва тилшуносликка оид бадиий хусусиятларини таҳлил қилишда қўл келади.

Нашрга киритилган кўрсаткичлар китобхонга сўз ва синонимик уяларни топишга ёрдам беради.

### ЭКРАНДА МЕЛОДРАМА

Истеъдодли кинодраматург Рихсивой Муҳаммаджонов сценарийлари асосида суратга олинган бадиий филмлар бошқалардан алоҳида ажралиб туради. Бу изланувчан қалам соҳиби кейинги йилларда яна қатор янги асарлар устида қизғин иш олиб борди. «Маржона» деб номланган экран асари ана шу изланишлар самарасидир.

Истеъдодли режиссёр Саид Мухторов суратга олаётган бу филм романтик кино қисса янглиғ томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади. Бастакор Мирхалил Маҳмудов ёзган мусиқалар филм мазмунини бойитиб, унинг янада жозибали бўлишини таъминлайди.

Яқин орада экранларга чиқадиган мазкур картина қизиқарли қўшиқлар, клипларга бойлиги билан ҳам томошабинда завқ уйғотади.

### МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ТОРТДИ

Картографик кўргазмали ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ўзига хос маҳорат талаб қилади. Зеро, ер шарини акс эттирувчи глобусларни топографик усулда ясаш ҳам бир санъат.

Эндиликда мамлакатимизда бундай глобусларни саноат асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай хайрли ишга «Давр технологиялари» фирмаси яқиндан бош қўшиб, бу хил маҳсулотларнинг дастлабки нусхаларини тақдим этди.

Ер юзи глобуслари рамзий маъно касб этди. Улуғ олим Абу Райҳон Беруний кашф этган ноёб глобус намунасининг миллий ёзувимиз асосида тайёрланиши мутахассисларни мамнун этди.

**А.АЛИЕВ**

Келажагимиз мактабда

***Қиш ғамини ёзда еган қорли-қировли кунларда ҳеч қийналмайди. Бу гаплар биз учун янгилик эмас. Уни ота-боболаримиз қадимдан таъкидлаб келишади.***

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА

## ёш авлод шинам ва кўркам хоналарда таълим олади

Ўқитувчилар учун мактаб ҳақиқий маънода иккинчи уй ҳисобланади. Бу мўътабар уйнинг азиз фарзандлари бор. Улар ўқувчилардир.

Шундай экан, илм масканига қанча эътибор қаратсак, ўғил-қизларимизга, келажагимизга шунча ғамхўрлик қилган бўламиз. Туманимизда 40 та мактаб бўлиб, улардан 36 таси янги ўқув йилига шайлаб қўйилди. 4 таси эса 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурига мувофиқ мукаммал таъмирланди. Умуман, белгиланган режа бўйича 2009 йилгача барча зиё масканлари мукаммал таъмирдан чиқарилиши кўзда тутилган. 6 та билим даргоҳида эса қўшимча синфлар, спорт заллари, ошхоналар бунёд этилади.

Айни дамларда 1-, 20-, 33-мактабларда биноларни янги ўқув йилига ҳозирлаш ишлари қизғин бормоқда.

Қурувчилар унумли ишлаб, яхши дам олишларига шароит яратиш мақсадида туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ва касаба уюшма қўмитаси қатор тадбирлар белгилади. Ишчилар туман марказидан чекка қишлоққа ҳар куни қатнаб овора бўлмасликлари учун спорт зали ётоқхона қилиб берилди. Нонушта, тушлик, кечки овқат шу ерда тайёрланади. Бундан буюртмачи ҳам, пудратчи ҳам ютяпти. Биринчидан, мактаб тез ва сифатли таъмирланаётган бўлса, иккинчидан ишчиларнинг қимматли вақти ва бориш-келишига кетадиган харажати тежалмоқда.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керак, ҳомий ташкилотлар мактабни талаб даражасига келтиришда зарур ёрдамни аямаяпти. «Осиё» тараққиёт банки зиё масканини компьютерларлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлайди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, муаллимлар ва уларнинг фарзандлари кўнгилдагидек дам олиши учун ҳамма имкониятлар яратилган. Кўплар ўғил-қизлари билан Паркентнинг хушманзара сиҳатгоҳларида саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишди. Юз нафарга яқин бола эса оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди.

Туман ҳокимлиги томонидан 2003-2004 ўқув йилида таълим тизимида ўрнак кўрсатган 180 нафар мураббий-ўқитувчиларни муносиб тақдирлаш кўзда тутилган.

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,**
**Юқори Чирчиқ туман**
**халқ таълими бўлими**
**мудири**




Тузувчи **Ф.ОРИПОВ**

# МУСОБАҚАДА

## ёш таэквондочилар

Болалар спорти

Бутун республикамизда бўлгани каби Қибрай туманида ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш, болаларни энг оммавий спорт турларига жалб этиш борасида кўплаб таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилпти. Бунда туман ҳокимлиги, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, ҳудудда фаолият кўрсатаётган «Қалқон» спорт клуби жонбозлик кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда туманда спортнинг якка кураш турлари тобора оммалашиб боряпти. Маҳаллаларда, ўрта умумтаълим муассасаларида турли тўгараклар, секциялар ишлаб турибди. Уларга юзлаб ўғил-қизлар жалб қилинган. Энг муҳими, спортчи ёшлар иштирокида тез-тез мусобақалар ўтказиб турилибди. Бу болалар саломатлигини мустаҳкамлашдан ташқари иқтидорли спортчилар тайёрлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади, албатта.

Дарвоқе, Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари якка курашлар «Қалқон» спорт клуби ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Айтиш жоизки, ўтган қисқа вақт ичида спорт клуби ўз атрофига юзлаб спортсевар ёшларни бирлаштирди. Ниҳоят, ўз аъзоларининг маҳорат ва малакасини синовдан ўтказиш палласи етиб келди. Яқин кунларда Тошкент Давлат Аграр университети спорт залида клубнинг очиқ чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Мустақилликнинг 13 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган ушбу тадбирда мамлакатимиз вилоятларидан 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган таэквондочи ўғил-қизлар иштирок этиши кутилмоқда. Мусобақа иштирокчилари учта ёш ҳамда йигирмата вазн тоифасига бўлинган ҳолда кураш олиб боришади. Ғолиб ва совриндорлар чемпионат медаллари, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

- Мусобақа ташкилотчилари - республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қўл жанги федерацияси, «Қалқон» спорт клуби, Қибрай туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими томонидан катта тайёргарлик олиб борилди, - дейди туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Рустам Мажидов. - Шунингдек, биз ҳам бу хайрли ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшдик. Ўйлайманки, мусобақа нафақат туманимиз ёки вилоятда, балки бутун республикамизда болалар спортини ривожлантириш, жумладан таэквондони оммалаштиришга муҳим туртки бўлади.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ўзбекистон кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Хоразм вилояти тармоқ касаба уюшма кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Х.Салаевга отаси

**Собир САЛАЕВ** нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс
ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.***

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 1 2 3 4 5